ҲОДИСА ЖОЙИНИ САМАРАЛИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ ДАСТЛАБКИ ТАДҚИҚОТЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИШНИНГ ОМИЛИ

Эрназаров Улуғбек Эшқобул ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таьлим 3-ўқув курсининг "Эксперт-криминалистика фаолияти" мутахассислиги йўналишида таьлим олувчи курсанти
https://doi.org/10.5281/zenodo.8031820

Жиноятларни текшириш ва очиш, олдини олиш, қарши курашиш билан бир қаторда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари олдида ўз фаолиятларидаги мавжуд хато ва камчиликларни бартараф этиш вазифалари ҳам турибди. Жумладан, ҳодиса жойида ўтказиладиган дастлабки криминалистик тадқиқотлар жараёнида мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш, уларни очик тан олиш ҳамда бартараф этиш ҳозирги вақтда эксперт-крминалистика хизматларининг назарий ва амалий ходимларининг долзарб вазифаларидан биридир. Чунки, содир этилган жиноий қилмишни аниқлаш, уларни тез ва аниқ очиш, олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, содир этилган жиноятларни тўгри баҳолаш ва судда уларга нисбатан қонуний жазо тайинлаш жараёнида криминалистик тадқиқотлар ва экспертизаларнинг ўз ўрни мавжуд. Чунки, ана шу жараёнлар натижасида инсон тақдири туради. Дастлабки тергов ҳаракатларининг замонавий амалиётида жиноятнинг моддий изларини тадқиқоти, бу излар ҳодиса содир бўлган жойда аниқланиши билан дарҳол бошланади.

Жиноят ҳодисаси билан боғлиқликда бўлган моддий объектларнинг турлича хоссалари, ҳолати, аломатларининг ўзгариб туриши ва ушбу кўрсатилган ўзгаришларни ташувчилари бўлган моддий объектларнинг ўзи, ҳуқуқшуносликка оид махсус адабиётларда жиноятларнинг моддий излари деб аталади.

Ушбу моддий изларни жиноятларни тергов қилиш ва очиш жараёнида самарали қўллашнинг муҳим омилларидан бири, ушбу моддий изларни ўз вақтида аниқлаш, олиш, қайд этиш ва тадқиқот қилиш жараёнларига боғлиқ. Далилий маълумотларни олишнинг ўз вақтидалиги ва оперативлилиги, жиноятларни тергов қилиш ва очишнинг муваффақиятли бўлишини таъминлайди.

Шунинг учун, жиноятларни очиш ва тергов қилиш фаолиятида далилий ашёларни, ҳодиса содир бўлган жойни ўзида дастлабки криминалистик тадқиқотларини ўтказиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Моддий изларда мавжуд бўлган, содир этилган жиноий қилмиш ва жиноятчи шахснинг шахси ҳақидаги, "оддий кўз" билан кўриб бўлмайдиган маълумотларни аниқлаш ва қайд этишга мўлжалланган ушбу тадқиқотлар, жиноятларни "иссиқ излар"дан очишга калит вазифасини ўтайди ва жиноятчини қидириб топишга имкон беради.

Жиноятнинг моддий изларини экспертиза тадқиқотларидан олдинги чуқур тадқиқотларини махсус адабиётларда, уларни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда дастлабки тадқиқотлар деб аталади. Субъектларни кўздан кечиришнинг тадқиқот фаолиятида дастлабки тадқиқотлар жуда кўп ҳолларда мажбурий ҳисобланади ва муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу каби тадқиқотлар ҳар доим оператив характерга эга, ҳамда дарҳол ўтказилиши лозим.

Тергов ҳаракатлари жараёнида ўтказиладиган дастлабки тадқиқотлар натижасида олинадиган криминалистик маълумотлар мустақил далилий аҳамиятга эга эмас.

Бундан фарқли ўлароқ экспертиза хулосалари, агар улар терговчи томонидан ижобий баҳоланса, мустақил далилий ахамиятга эга бўлади, яъни исботларнинг бир тури ҳисобланади. Шунинг учун, айрим муаллифларнинг дастлабки тадқиқотларнинг натижалари умуман далилий аҳамиятга эга эмас ва бу каби барча криминалистик маълумотлар процессуал жиҳатдан мустахкамланмаган деган фикрлари унчалик тўғри эмас [1]. Албатта, махсус адабиётларда муайян шароитларда дастлабки тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар ҳам далилий аҳамиятга эга бўлади деган фикрлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳолда, ушбу маълумотлар тергов ҳаракатлари жараёнида (масалан, тергов кўздан кечиришида) олиниб баённомада акс эттирилган ҳолатлар устида фикр юритилмоқда [2]. Бизнинг фикримизча, бундай нуқтаи-назар анча тўғрироқдир ва дастлабки тергов ҳаракатларининг амалиётига асослангандир. Фақат бу ҳолда қандай характердаги маълумотлар, нима учун ва қай даражада далилий аҳамиятга эга бўлишини янада аниқлаштириб олиш лозим бўлади.

References:

1. Л.П. Баканова. Предварительное исследование следов и объектов на месте происшествия. Учебное пособие. - Т., 2002. - б. 3.
2. Криминалистика. Учебник. / Под редакцией В.А. Образцова. - М., 1997. - б. 66.